2020 йил 9 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 4 (14.055)

Баҳоси эркин нархда

## ЯГОНА ЙЎЛИМИЗ – ТАДБИРКОРЛАР СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ, ОДАМЛАРНИ ИШБИЛАРМОН ҚИЛИШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Илғор хорижий тажриба ҳамда синалган амалиёт асосида мамлакатимизда миллий солиқ тизими яратилди. Солиқлар сони ва ставкалари оптималлаштирилди. Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Бунинг натижасида ўтган йили тадбиркорлар ихтиёрида жами 2 триллион сўм маблағ қолди.

2020 йил 1 январдан янги таҳрирдаги Солиқ кодекси амалиётга татбиқ этилди. Бу ислоҳотлардан асосий мақсад жорий ва келгуси йилларда иқтисодий барқарорликни таъминлашдир.

Йиғилишда бунинг учун тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бу орқали бюджет тушумларини мунтазам ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

– Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш! Ҳар бир ҳоким бюджетга қўшимча даромадларни таъминлаши учун ўзи изланиши, тадбиркорга шароит яратиб, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жойлардаги раҳбарларнинг эскича иш услуби, энергия ресурслари истеъмоли ва тўлови бўйича ҳисоб-китоб юритиши, тадбиркорларни қийнаётган масалаларга ёндашуви танқид қилинди. Ўтган йили Мирзо Улуғбек, Ғузор ва Муборак туманларида фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлар сони ошгани қайд этилди.

– Битта тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатса ҳам, бунга "фавқулодда ҳолат" сифатида қаралиши керак, – дея таъкидлади Президент. – Иқтисодий барқарорлик асоси рақобатбардош тадбиркорларни кўпайтиришдир.

Йиғилишда жорий йил биринчи чоракда бюджетга солиқ тушумларини таъминлаш учун ҳокимлар бошчилигида, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари, молия ва солиқ идоралари томонидан амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилди.

Аввало, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ҳамда фаолиятини тўхтатган корхоналарни тиклашга кўмаклашиш кераклиги таъкидланди. Бунинг учун электр, газ, йўл, сув билан боғлиқ инфратузилмани яхшилаш, янгиларини барпо этиш зарур. Шу боис ҳокимиятлар томонидан ошириб бажарилган даромадлар, биринчи навбатда, ҳудудларда мавжуд инфратузилмани яхшилашга йўналтирилиши белгиланди.

Шунингдек, тайёр инфратузилмаси бор кичик саноат зоналарининг 263 гектар майдони ва 50 мингдан зиёд объектларидан самарали фойдаланилса, кўплаб янги қувватлар ташкил этиш мумкин. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига вилоят ҳокимликлари билан биргаликда шу борада манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир туман кесимида ресурс солиғи тўловчиларни ҳамда уларнинг объектларини ҳисобга олиш, иш ўринлари ва тадбиркорлар фаолиятини легаллаштириш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун қарздорликни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва бошқа жойларда дебитор қарздорлик кўпайгани, автомобилларга газ қуйиш шохобчаларида катта миқдорда талон-торожликлар аниқланаётгани қайд этилди. Бу энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий таъсир этиши билан бирга, ҳудудлардаги тадбиркорларнинг электр ва табиий газ таъминотида узилишларга сабаб бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундай ҳолатларга чек қўйиб, электр энергияси ва табиий газдан қарздорликни қисқартириш, аҳоли ва тадбиркорларни ушбу манбалар билан узлуксиз таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Маълумки, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзтрансгаз", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзкимёсаноат" каби йирик корхона ва ташкилотлар бюджет кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Эндиликда улардан тушумлар яқинда тузилган Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси томонидан мустақил йиғилади.

Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига ўз комплекслари таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш бўйича кўрсатма берилди.

Бюджетга тушумларни оширишда яна бир муҳим йўналиш – давлат активлари. Ўтган йили давлат иштирокидаги корхоналар томонидан бюджетга жами 1,6 триллион сўм дивиденд тўланган, холос.

Шу боис мутасаддиларга давлат мулки объектларини, жумладан, ёғ-мой ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни хусусийлаштириш, йирик солиқ тўловчи субъектлар бўйича дивиденд тўлаш миқдори ва даврийлигини белгилаш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда берилган топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш учун вилоят ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари молия, солиқ, божхона, банк ва иқтисодий комплекс таркибидаги бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорларга муносиб шароит яратиш ва бюджет даромадларини ошириш бўйича доимий ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Видеоселекторда яна бир муҳим масала – янги Солиқ кодексини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, ўтган йили солиқ тизимидаги ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорларга чуқур тушунтириш бўйича Ишчи гуруҳ тузилган эди. Унинг ҳудудий тузилмалари томонидан бу борада манзилли ишлар олиб борилди.

Жорий йил 1 январдан мамлакатимиз солиқ тизимида 120 дан ортиқ янги қоидалар амалиётга киритилди. Бу қоидалар тўғри қўлланиши, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши учун ўзгаришлардан барча хабардор бўлиши керак.

Шу боис вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилигида иқтисодий комплекс идоралари ходимлари ва тадбиркорларни ўқитишни ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Кодекснинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолдагина унинг сифатли ижросини таъминлашга имкон бўлади. Ундан ташқари, ҳужжатда кўзда тутилган қоидаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида барча туманларда давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тарғибот тадбирларини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот бўйича медиа режа ишлаб чиқиб, биринчи чорак давомида барчага етказиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Янги кодексда солиқ органларига ҳам кўплаб вазифалар юклатилган. Уларни сифатли амалга ошириш учун солиқ ходимлари билим ва савиясини кескин ошириши, тадбиркорларга муносабатини тубдан ўзгартириши зарурлиги таъкидланди.

Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсманга халқаро тажриба асосида, тадбиркорлар билан муҳокама қилган ҳолда солиқ текширувлари ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда қурилишни молиялаштириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаган объектларда қурилишни бошлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларисиз қурилишни молиялаштириш тақиқланиши қайд этилди.

– Бугунги топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш иқтисодий комплексдан катта масъулият талаб этади. Шу боис бу йил ҳукумат ва ҳудудлар учун "иқтисодий комплексни сафарбар қилиш йили" бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселекторда соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, ҳокимлар белгиланган прогноз режаларни бажариш, тадбиркорликни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисобот берди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллари органлари депутатларининг қўшма мажлислари шу йилнинг 16-17 январь кунлари ўтказилади.**

**• Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг энг олис овулларида ҳам "Ватанпарварлик ойлиги" доирасида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳарбий хизматчилар аҳолига хушкайфият улашиш, уларга Ватан ҳимоячилари куни шукуҳини етказиш мақсадида Нукус шаҳрида Мўйноқ туманига йўл олишди. Дастлабки манзил ҳудуднинг энг узоқ манзилларидан бири – "Бўзатов" овул фуқаролар йиғинига қарашли Қипчоқдарё овулида жойлашган 10-умумтаълим мактаби бўлди.**

**• Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган "Bukhara Cotton Textile Cluster" кўптармоқли хорижий корхонаси юртимизда кластер тизимида пахта ҳосилини етиштиришдан то уни чуқур қайта ишлашгача бўлган жараённи ўзида мужассамлаштирган ноёб субъект ҳисобланади. Вилоят марказидаги Ўзбекистон – Буюк Британия "Bukhara Cotton Textile" қўшма корхонаси мазкур тузилманинг муҳим охирги бўғин лойиҳаси сифатида аҳамиятлидир. У "Bukhara Cotton Textile Cluster"нинг Ромитан туманидаги агрокластерида етиштирилган пахтадан ўша ернинг ўзидаги пахта тозалаш заводида олинган толасини чуқур қайта ишлайди.**

**• Жиззах вилояти ҳокими ва ҳудудий секторлар раҳбарларининг ёшлар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Унда ёшларнинг ташаббус ва таклифлари ўрганилиб, қайд этилган масалаларни ҳал этишга амалий кўмак берилаётир. Тадбирда талабалар, ўқувчилар, уюшмаган ёшлар ҳамда барча ҳудудий сектор раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этди. "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури доирасида 262 бизнес лойиҳага жами 59 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Натижада 1 минг 500 янги иш ўрни яратилди. 8 та туманда "Yoshlar mehnat guzari" комплекслари ташкил этилди. Тўртта туманда "Ёш тадбиркорлар" коворкинг марказлари фаолияти йўлга қўйилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Австралия жанубида ўрмон ёнғинлари туфайли деярли 30 минг сайёҳ эвакуация қилинди. Сайёҳлар Мельбурндан 250 км. шарқда жойлашган Жипсленд вилоятида бўлганлар. Шунингдек, Фернелл, Тамбун ва Жанубий Тамбун шаҳарлари аҳолисига ўз уйларини тарк этишга тўғри келган. Виктория штатида 16 та катта кўламли ёнғин қайд қилинган. Об-ҳаво мутахассисларининг таъкидлашича, об-ҳаво шароити вазиятни янада мураккаблаштиради. Кўплаб шаҳарларда 40 даражали ҳарорат ўрнатилади, шамол кучайиб, ўз йўналишини ўзгартиради. Австралияда табиий ёнғинлар октябрь ўртасидан бери давом этмоқда. Ёнғинлар 8 кишининг, жумладан икки қутқарувчининг ўлимига олиб келган, 30 дан кўпроқ киши жароҳат олган.**

**• Ҳиндистон 24 та сув ости кемаси қуришни режалаштирмоқда. Улардан олтитаси атом сув ости кемаси бўлади, деб хабар берди мамлакат ҳарбий-денгиз кучлари томонидан парламентга тақдим қилинган маърузага иқтибос келтирган ҳолда NDTV телеканали. Таъкидланишича, энергетик қурилмали 18 та ва атом зарбдор 6 та сув ости кемаси қуриш режалаштирилган. Ҳужжатга кўра, ҳозирда Ҳиндистон ҳарбий-денгиз кучлари қуролланишида 15 та ноатом ва 2 та атом сув ости кемаси мавжуд. Ноатом сув ости кемаларидан аксариятининг ёши 25 йилдан ошган. Ҳиндистон мудофаа вазирлиги янги сув ости кемалари қурилиши ушланиши сабабли эскиларининг хизмат муддатини ошириш бўйича ишларни ўтказишни маъқуллаган.**

## МИРОБОД ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ БЎЙИЧА НАМУНАЛИ ТУМАНГА АЙЛАНАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда пойтахтимизнинг Мирobод туманида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни намунали ташкил этиш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган семинар ўтказди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов ва соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни намунали ташкил этиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилганини қайд этди. Бунда асосий эътибор ҳудуддаги тиббиёт муассасаларининг бинолари ва моддий-техник базаси ҳолати, дори-дармон, тиббий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар таъминоти ва салоҳиятига қаратилди.

Таъкидланганидек, тумандаги тиббиёт муассасаларида ахборот-коммуникация тизимини яхшилаш мақсадида 16 километр узунликда оптик толали алоқа кабели ётқизилган бўлиб, бирламчи тиббиёт тизими учун жами 85 та компьютер жамланмаси ва 15 та веб-камера етказиб берилди. Натижада интернет сифати ва тезлиги ошиб, "Электрон поликлиника" автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларни тезкорлик билан киритиш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ортди. Муассасаларга 11 та махсус модем ўрнатилиб, WiFi зоналари ташкил этилди. Эндиликда поликлиникаларга келган фуқаролар интернет тармоғидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистонда Марказий Осиёга бевосита туташ Яқин Шарқда юз бераётган воқеалар алоҳида ташвиш билан қарши олинмоқда.

Ҳарбий-сиёсий ҳолатнинг янада кескинлашиши кўплаб инсонлар қурбон бўлишига ва кенг кўламли гуманитар фалокатга олиб келиши мумкин, ҳаётий муҳим иқтисодий алоқалар ва коммуникация йўлларини вайрон қилади, минтақавий ва глобал хавфсизликка тузатиб бўлмас зарар етказади.

Ўзбекистон томони ўта босиқлик тарафдори бўлиб, тарангликни камайтириш ва минтақадаги вазиятни мўътадиллаштириш учун қарама-қарши томонларни сиёсий-дипломатик чоралар кўришга чақиради.

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ҳаракатлар стратегияси 2017-2021

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 28 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси "Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.***



## ВАТАН – МУҚАДДАС, УНИ ҲИМОЯЛАШ – ШАРАФЛИ БУРЧ!

Унда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда уларни такомиллаштириш истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

– Мамлакатимизда ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг самарасини янада оширишда янгидан қабул қилинган Мудофаа доктринаси муҳим аҳамият касб этади, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраев. – Ушбу доктрина Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойилини, чет эл давлатлари билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришни ифода этади. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдида турган вазифалар ҳамда миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгиланган.

Таъкидланишича, юртимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Ҳарбий бошқарув тизими оптималлаштирилиб, жанговор самарадорлиги бўлмаган, бир-бирини такрорловчи тузилмалар ўрнига жанговор бригадалар ташкил этилди. Армияни янги қурол-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа учун "Зенит" ракета комплекслари, алоҳида учувчисиз учар аппаратлар эскадрильяси, зирҳли техникалар, вертолётлар билан таъминланди. Натижада, 2019 йил якунлари бўйича мамлакатимиз миллий армиясининг ҳарбий қудрати икки баробарга ошди.

– Қуролли Кучларимиз юрт тинчлиги ва равнақининг мустаҳкам кафолати ҳисобланади, – деди Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи Зафаржон Қосимов. – Бугунги кунда вазирлик тизимида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ҳарбий хизматчилар нафақат жисмонан балки ақлий жиҳатдан ҳам бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Дарҳақиқат, Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!

Давра суҳбати якунида ҳарбий хизматда алоҳида ютуққа эришаётган бир гуруҳ офицер ва оддий аскарлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ҳарбий хизматчилар учун Қонунчилик палатасининг музейига экскурсия ташкил этилди.

**Хуршид ҚОДИРОВ**

Эзгу ташаббуслар қудрати

# ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ ВА ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР САМАРАСИ

***Президентимиз 2019 йил 30 декабрь куни парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йил якунлари сарҳисоби ва 2020 йилда амалга ошириладиган ишларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда барча соҳаларда олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.***

Йиғилишда, хусусан, инвестиция дастуридаги инфратузилма объектларини қуриш ва ишга туширишда янги тизим жорий этиш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини таъминлаш, кластерларга зарур шароитлар яратиш, кимё тармоқлари, энергетикани ривожлантириш, ушбу соҳаларга хусусий сектор ва инвестицияларни фаол жалб қилиш, хом ашё қазиб олишни кўпайтириш бўйича муҳим топшириқлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишлар бўйича Президентимиз ҳудудларга ташрифлари чоғида алоҳида таклифлар беради, янги ташаббус ва ғояларни илгари суради. Давлатимиз раҳбарининг бу каби эзгу ташаббуслари ҳаётга татбиқ этилиши самарасида халқимиз ҳаёти кун сайин яхшиланиб, турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Қуйида Президентимизнинг ана шундай эзгу ташаббуслари билан 2019 йили ҳудудларда иш бошлаган ва қурилиши давом этаётган айрим объектлар ҳақида тўхталамиз.

**Кимё саноати тараққиётга хизмат қилади**

Мамлакатимиз кимё саноатининг йирик тармоғи ҳисобланган "Навоийазот" акциядорлик жамиятида кейинги йилларда йирик модернизация жараёнлари, истиқболли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 9 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган "Navoiyazot" АЖда аммиак ва карбамид, азот кислотаси, поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш бўйича 3 йирик инвестиция лойиҳа тузилиб, аниқ дастурлар асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тижорат банклари, хорижий кредитлар ва корхона маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган мазкур янги лойиҳалар мамлакатимиз кимё саноати равнақига муҳим ҳисса қўшади.

Маълумки, мазкур завод 1964 йилда ишга туширилган. Вақт ўтиши билан технологик ускуналар эскирган. Айни пайтда улар кўп миқдордаги электр энергияси ва бошқа табиий ресурсларни сарф қилиш эвазига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Хуллас, фойдали иш коэффиценти бугунги кун талабларига мос келмай қолди.

Кимё мажмуасидаги умумий қиймати 500 миллион долларга тенг ПВХ, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш лойиҳасининг ишга туширилиши 900 дан зиёд янги иш ўрни яратиш, йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 71,8 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол тайёрлаш имконини беради. Хитойнинг "China CAMC Engineering CO., LTD" компанияси ҳамда маҳаллий мутахассислар томонидан амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари тугалланди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 28 декабрь куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида мазкур кимё мажмуасида ҳам бўлиб, лойиҳани ишга тушириш рамзий тугмасини босди.

Шу куни поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш заводи расман ишга туширилди.

Шунингдек, корхонада аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича янги, умумий қиймати 897 миллион доллар бўлган лойиҳанинг ишга туширилиши билан йилига 660 минг тонна аммиак, 577,5 минг тонна карбамид олиш, улардан тайёрланадиган минерал ўғитлар турини ошириш имконияти пайдо бўлди. Бунинг учун сарф этиладиган табиий неъматлар ҳам тежалади. Япониялик ҳамкорлар ("Mitsubishi Heavy Industries, Ltd", "Mitsubishi Corporation" компаниялари) билан барпо этилган мажмуа мамлакатимиз кимё саноати тараққиётига хизмат қилади.

Навбатдаги яна бир истиқболли лойиҳа – азот кислотаси мажмуаси қурилиши ҳам жадал суръатда олиб борилмоқда. Умумий қиймати 216,6 миллион долларга тенг бу ишлаб чиқариш қуввати Швейцариянинг "CASALE SA" компанияси томонидан бунёд этилмоқда. Бу ерда йилига 500 минг тонна хом ашё тайёрлаш мумкин бўлади. Шунингдек, 120 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланадиган мазкур мажмуалар навоийлик кимёгарларга маҳсулотлар ҳажмини ошириш, унинг таннархини арзонлаштириш, шунингдек, рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради. Халқаро майдонда халқ хўжалигининг барча соҳаларида кимёвий реагентларга эҳтиёж ошаётгани боис, ушбу лойиҳалар юртимиз саноати ривожида муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ярим асрлик тарихга эга заводда тайёрланаётган маҳсулотлар қишлоқ хўжалиги, кимё ва кончилик саноатида ҳамда турли тармоқларда кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган 70 дан ортиқ турдаги кимёвий маҳсулотнинг кўп қисми хорижга экспорт қилинаётир. Асосан аммиакли селитра, азотли-фосфорли ўғитлар, метанол, хлор, унифлок, полиакриламид каби маҳсулотлар 20 дан ортиқ давлатга етказиб берилмоқда.

Корхонада олис ҳудудлар аҳолиси бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 сентябрдаги "Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолиси бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида?"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил бошида Конимех туманида пропилен қоплар ишлаб чиқариш участкаси ишга туширилди. Натижада 130 га яқин киши, асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишли бўлди.

**Йирик ИЭС фаолиятида қандай ютуқларга эришилмоқда?**

"Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамияти минтақадаги саноат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда ижтимоий-маиший истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади.

Иссиқлик электр станциясининг йирик истеъмолчилари таркибига вилоятдаги саноат корхоналари – Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятлари, шунингдек, минтақадаги қишлоқ хўжалигининг йирик насос станциялари ва бошқалар киради. Станциянинг эксплуатация фаолияти 1963 йил феврал-март ойларида унумдорлиги соатига 220 тоннадан буғ бериш қувватига эга икки қозон ва ҳар бири 25 МВт қувватга эга икки турбоагрегат ишга туширилиши билан бошланган.

2012 йилнинг IV чорагидан бошлаб 478 МВт қувватга эга комбинациялашган циклли замонавий буғ-газ қурилмаси ҳам ишга тушди. 478 МВт қувватли буғ-газ қурилмаси ишга туширилгач, станция қуввати 1618 МВтни, иссиқлик қуввати эса соатига 518 гигакалорияни ташкил этди.

Жисмонан ва маънан эскирган ускуналарни модернизация қилиш энергия таъминотини барқарорлаштириш, маҳсулот бирлигига шартли ёқилғи сарфини камайтириш ҳамда энергетика ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида 2012 йилда 478 МВт қувватли комбинациялашган циклли буғ-газ қурилмаси ишга туширилиши станция қувватларини модернизация ва реконструкция қилишнинг биринчи даврини бошлаб берди.

Янги қурилманинг ишга туширилиши муносабати билан ишлаб чиқариладиган электр энергияси миқдори ошиши туфайли 220 кВ кучланишли Очиқ тақсимлаш қурилмалари нимстанцияси реконструкция қилинди.

Иккинчи давр станцияни янада кенгайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, замонавий энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ва истеъмолчилар энергия таъминотини барқарорлаштириш мақсадида 2017–2019 йилларда 450 МВт қувватли буғ-газ қурилмаси лойиҳасини амалга ошириш билан давом эттирилди. Биринчи қурилмадан фарқли ўлароқ, ушбу лойиҳада 200 гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, бу билан истиқболда станциянинг иссиқлик қувватларини ҳам янгилаш режалаштирилмоқда.

2019–2023 йилларда станцияни навбатдаги учинчи ва тўртинчи буғ-газ қурилмалари лойиҳасини амалга ошириш орқали кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бу станция тараққиётининг учинчи даврини бошлаб беради.

Ушбу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш яқин йилларда Навоий кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қувватлари ривожланиши билан боғлиқ. Айни пайтда ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари, қурилишни молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ кўплаб бошқа масалалар устида иш олиб борилмоқда.

Лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсири масалалари мажмуи экологик экспертизадан ўтказилди. Кармана ва Навбаҳор туман ҳокимликлари томонидан икки буғ-газ қурилма ҳамда навбатдаги ушбу энергоблоклар қувватларини узатиш мақсадида 220/500 кВ кучланишли нимстанция қурилиши учун ер ажратиш масалалари ижобий ҳал қилинган.

Комбинациялашган циклда замонавий қурилмаларда 1 кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 220–235 грамм шартли ёқилғи сарф қилинади (солиштириш учун: анъанавий технологияларга асосланган қурилмаларда ушбу кўрсаткич 400 граммга бориб қолади ва ҳатто ундан ҳам ортиқроқни ташкил этиши мумкин). Дастлабки 478 МВт қувватдаги қурилманинг ишга туширилиши натижасида станцияда йиллик иқтисод қилиб қолинган табиий газ миқдори 350–400 миллион кубометр, 2013–2018 йиллар мобайнида 2,3 миллиард кубометр газ тежалиб, 1 триллион сўм маблағ иқтисод қилинди.

Иккинчи навбатдаги 450 МВт қувватли қурилманинг ишга туширилиши станция бўйича ички истеъмолчилар учун қўшимча равишда йилига 3 миллиард 276 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Лойиҳанинг яна бир эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, Ўзбекистонда биринчи бор техник сув ўрнига ҳаво билан совитиладиган конденсатор ўрнатилган.

Янги қурилма ишга туширилиши билан 112 иш ўрни яратилиб, йиллик табиий газ иқтисоди 500 миллион кубометрни ташкил этиши кутилмоқда.

Замонавий энергетик технологияларга асосланган инвестицион лойиҳаларнинг кенг жорий этилиши натижасида 2023 йилга келиб, иссиқлик электр станцияларида газ турбина қурилмалари ҳамда буғ-газ турбинали комбинациялашган циклли қурилмалар сони 21 тага етиши кутилмоқда. Бу, ўз навбатида, ана шу даврда жорий этилаётган янги қурилмалар учун 1000 дан ортиқ малакали эксплуатацион ходимлар тайёрлаш вазифасини ҳам қўймоқда. Станция базасида энерготизим иссиқлик электр станциялари эҳтиёжи учун ходимлар тайёрлаш ўқув марказининг ташкил этилгани бу масалага ҳам ижобий ечим топишга хизмат қилмоқда.

Марказ бевосита Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) молиявий-техник кўмагида ташкил этилган бўлиб, 2018 йил охирида 14 инструкторга JICA экспертлари томонидан амалий ва назарий машғулотлар ўтиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим қилинди. 2019 йил июль ойида ўқув марказига тижорат фаолияти олиб бориш учун расман лицензия олинди.

"Навоий ИЭС" акциядорлик жамиятида ҳар бирининг қуввати 650 МВт бўлган навбатдаги учинчи ва тўртинчи инвестиция лойиҳаларини жорий этиш мўлжалланмоқда. Минтақада энергетика ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда 500 кВ кучланишли электр тармоқларининг ривожлантирилиши – Навоий кон-металлургия комбинати томонидан Қизилқум бағрида аниқланган 30 га яқин коннинг ўзлаштирилиши муносабати билан электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг қондирилишига қаратилган.

**Гидроэлектростанциялар қувватидан унумли фойдаланиш зарур**

Сир эмас, бир неча йиллар олдин ҳам мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларда электр энергиясида тез-тез узилишлар бўлиб турар эди. Кейинги йилларда электр таъминоти соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида шу каби салбий ҳолатларга, электр таъминотидаги чекловларга барҳам берилди.

Бу борада ички имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этиш зарур. Жумладан, кейинги икки йилда Андижон вилоятида мавжуд гидроэлектростанцияларни реконструкция қилиш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш борасида эътиборга молик ишлар олиб борилди.

"Шаҳрихон гидроэлектростанциялари каскади" унитар корхонаси томонидан Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги "2017–2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Жанубий Фарғона канали – 1" гидроэлектростанциясида ҳам модернизация ишлари амалга оширилди.

1957 йилда ишга туширилган "Жанубий Фарғона канали – 1" ГЭСдаги мавжуд агрегатнинг умумий қуввати 2,1 МВтни ташкил этган. Станцияда юқори кучланишли линиялар, гидроагрегат ҳамда нимстанциядаги электр қурилмалардан узоқ муддат фойдаланилгани сабабли уларнинг ишлаш жараёнида муаммолар юзага кела бошлаган, натижада станциядаги гидроагрегат 2,1 МВт электр энергияси ўрнига 1,5 МВт қувват, яъни 0,6 МВт қувват кам электр энергияси ишлаб чиқараётган эди.

Ана шундан келиб чиқиб, гидроэлектростанция модернизация қилинди. Замонавий, бугунги кун талабига жавоб берадиган гидроагрегат ва электр ускуналар келтириб ўрнатилди. Мазкур ишлар "Энергоресурс" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан бажарилди. Модернизациядан сўнг Г-1 агрегатининг қуввати 2,2 МВтга кўтарилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 5,4 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланди.

Гидроэлектростанциялардаги агрегатлар ҳамда электр жиҳозларини янгилаш учун зарур ишлар режа асосида олиб борилади. Жумладан, жорий йилда "Жанубий Фарғона канали – 2" гидроэлектростанциясида ҳам модернизация ишлари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, айни кунда бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.

**Хом ашё етиштиришдан тайёр маҳсулотгача**

Хом ашёни ярим тайёр ҳолатда сотишдан кўра, уни чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш иқтисодиётга 5-6 баробар, балки ундан ҳам кўпроқ фойда келтириши дунё тажрибасида исботини топган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш имконини яратмоқда. Ушбу жараён айнан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида яққол сезилмоқда. Айниқса, соҳада кластер тизими йўлга қўйилгани мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги "2017–2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур қарор ижроси доирасида Қашқадарё вилоятида ҳам енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналар ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда айни пайтда йирик тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 7 корхона фаолият юритмоқда. Қарши шаҳридаги "Sulton tex group" хусусий корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа муддатда самарали натижаларга эриша бошлади. Фойдаланилмай турган 10,5 гектар майдонда корхонанинг биринчи босқич лойиҳаси доирасида йилига 9 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга ип-йигирув фабрикаси ишга туширилди. Ишлаб чиқариш жараёни учун энг замонавий технологиялар келтирилиб, ўрнатилди. Натижада 300 га яқин иш ўрни яратилди.

Корхонада кейинги уч йилда қарийб 23 минг 526 тонна пахта хом ашёси қайта ишланиб, 19 минг 500 тоннага яқин ип-калава ишлаб чиқарилди. Ушбу маҳсулотлар юқори сифати ва харидоргирлиги билан ажралиб туради. 2018 йилда 12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 14 миллион долларни ташкил этди. 2020 йилда эса экспорт ҳажмини 20 миллион долларга етказиш кўзда тутилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқаришни босқичма-босқич ошириш белгиланган. Унга кўра, 9,6 миллион погонометр тўқима мато ишлаб чиқариш, бўяш ва ишлов бериш, 8,8 миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этаётир. Хом ашёдан тайёр маҳсулотгача тамойили асосида ўзига хос самарали тизим йўлга қўйилди. Хом ашёдан ип-калава, ип-калавадан мато, матодан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳанинг иккинчи босқичи, яъни тўқув фабрикаси ишга туширилиши натижасида 90 хотин-қиз иш билан таъминланди. Лойиҳа қиймати 2,5 миллион АҚШ доллари бўлган фабрикада 2019 йили 2 минг 800 тонна трикотаж мато ишлаб чиқарилди. Корхона тўла қувват билан иш бошлагач, бу кўрсаткич 4 минг тоннага етади.

– 2019 йил корхонамиз учун муваффақиятли кечди, – дейди мазкур корхонанинг экспорт ва импорт бўйича директор ўринбосари Ғиёс Рўзиев. – Пахта етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб олган пахта-тўқимачилик кластерининг энг муҳим бўғинлари – ип йигирув, трикотаж мато ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш фабрикалари ҳамда пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш заводлари лойиҳалари амалга оширилди. Фермер хўжаликлари ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш, пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш асосида юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида 2019 йили Қарши туманидаги фермер хўжаликлари билан шартнома тузган ҳолда пахта хом ашёсини етиштириш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 34 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, 1000 га яқин янги иш ўрни яратилди.

2019 йил июнь ойида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади. Лойиҳа қиймати 3,3 миллион АҚШ доллари бўлган тикув фабрикасининг йиллик қуввати 8 миллион дона тайёр трикотаж ва кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона ишга туширилиши муносабати билан 300 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бугунги кунгача 1 миллион дона табиий, соф матодан тайёрланган турли кийим-кечаклар тайёрланиб, ички ва ташқи бозорга чиқарилди. Тикув фабрикаси тўла қувватда иш бошлагач, яна 900 янги иш ўрни яратилади.

– Касб-ҳунар коллежини битирганимдан сўнг соҳам бўйича иш бўлмагани учун уйда ўтиргандим, – дейди корхона оператори Азиза Аҳмедова. – 2018 йилда ушбу корхона очилганини эшитдим ва ҳужжат топширдим. Ишга қабул қилиндим. Мана икки йилдирки, мазкур корхонада оператор бўлиб ишлайман. Деярли барча ишлар замонавий ускуналар ёрдамида автоматик тарзда бажарилади. Биз фақат кузатув жараёнида иштирок этамиз. Ҳозир компьютер билан ишлашни яхши ўргандим. Ишим ўзимга жуда ёқади.

Пахта хом ашёсини етиштириш, қайта ишлаш, ип-калава, тўқиш, ранг бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача жараёнларни қамраб олган лойиҳа кенг кўламда давом эттирилмоқда.

Қарши туманида 14 минг 800 гектар ерда пахта-тўқимачилик кластери ҳам ташкил этилди. Иш юритишнинг илғор технологиялари, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сингари қатор тежамкор ва замонавий тажрибалар ҳаётга жорий этилиши янгича тизимнинг афзаллигини намоён этади.

Айни пайтда кластер шаклининг яна бир лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Пахта-тўқимачилик кластери учун ажратилган 3 гектар майдонда пахта тозалаш заводи қурилиши давом этмоқда. Завод йилига 50 минг тонна пахтани чигитдан ажратиш қувватига эга. Бундан ташқари, йилига 36 минг тонна чигитни қайта ишлаш орқали ёғ ажратиш қувватига эга бўлган завод ҳам қурилмоқда. Ушбу лойиҳалар ишга тушиши натижасида яна 160 янги иш ўрни яратилади.

Корхона жамоаси 2020 йилда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ва фаолият турини кенгайтиришни мақсад қилган. Жумладан, лойиҳа қиймати 20 миллион доллардан иборат 9 минг тонна пахта толасини йигириш қувватига эга ип-йигирув, лойиҳа қиймати 12 миллион долларга тенг матони бўяш фабрикалари, лойиҳа қиймати 10 миллион долларга тенг 1000 бош наслли молга мўлжалланган чорвачилик мажмуаси лойиҳалари амалга оширилади. Бундан ташқари, жорий йилда лойиҳа қиймати 2 миллион долларга тенг уруғчилик лойиҳасини амалга ошириш бошланади.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини кластер усулида ташкил этиш орқали ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, пахта хом ашёсини ўз вақтида йиғиб-териб олиш, шунингдек, чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга, ташқи бозорда талаб катта бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошади. Бу эса мамлакат иқтисодиёти ривожи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Н.РАҲИМОВ,**
**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Ў.БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН САЙЁР УЧРАШУВ

***Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Сергели" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида тадбиркорлар учун сайёр учрашув ташкил этилди.***

Бош вазир қабулхонасининг Сергели тумани бўлими ва прокуратура билан ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад божхона соҳасидаги сўнгги янгиликлар ва қонунчиликдаги ўзгаришларни батафсил етказишга қаратилди.

Яқинда янги манзилда иш бошлаган мазкур божхона постининг шаҳар четидан марказга кўчганидан, натижада йўл учун сарфланган вақт ва харажатнинг тежалишидан энг аввало тадбиркорлар мамнун. Рақамларга мурожаат қилсак, "Сергели" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости орқали жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида 290 млн. АҚШ доллари қийматидаги товарлари экспортга расмийлаштирилди. Ушбу давр мобайнида 38 мингга яқин божхона юк декларациялари расмийлаштирилган бўлса, шундан 10392 та, яъни салкам 27 фоиз ҳолатдагина божхона кўриклари ўтказилди. 27 мингдан зиёд декларациялар эса яшил ва сариқ йўлакларга йўналтирилди.

Жорий йилдан бошлаб соҳада яна бир инновацион янгиликка қўл урилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсия ва тамойилларига тўла жавоб берадиган "Ягона дарча" божхона ахборот тизимини жорий этиш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур тизим орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ваколатли органлардан рухсат беришга доир ҳужжатларни олишлари ва божхона органларига тақдим қилишлари мумкин. Бу эса табиийки, истиқболда мамлакатда бизнесни юритиш жараёнларини янада тезлаштириш ва соддалаштиришга хизмат қилади.

2019 йилда тадбиркорларни божхона соҳасида қўллаб-қувватлашга, рағбатлантиришга қаратилган яна бир янгиликка қўл урилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрель куни "Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан илгари амалиётда умуман кузатилмаган янги тушунча – юридик шахслар учун ваколатли иқтисодий оператор мақоми жорий қилинди. Содда қилиб айтганда, ҳалол, қонунга итоаткор тадбиркорларга қўшимча ваколатлар ва енгилликлар берилади. Масалан, уларнинг товарлари божхонада бирон бир навбатларсиз, божхона тўловларини кечиктириб тўлаган ҳолда расмийлаштирилади, юкларни эса ўзларининг омборларига туширишга рухсат берилади.

Ҳозирги кунда республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилинди, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш билан бирга уларнинг масъулияти ҳам оширилмоқда, яъни қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмайдиган тадбиркорларнинг жавобгарлиги оширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 31 октябрдаги "Божхона маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунининг мазмун-моҳиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Учрашув сўнгида ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келаётган, жумладан божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Давлат божхона қўмитасининг 11-08 қисқа рақамига қўнғироқ қилиши ёки бевосита бошқарманинг (78) 120-76-76 телефон рақамига мурожаат қилиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида энергетика муаммоларига бағишланган "Энергия самарадорлиги – 2019" мавзуида анъанавий IX-илмий амалий анжуман бўлиб ўтди.***

# ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ – 2019

Анжуманда "Электр энергетика", "Иссиқлик энергетикаси ва атом электр станциялари", "Қайта тикланувчан энергия манбалари" шўъбаларида 120га яқин маъруза ва бошқа илмий чиқишлар тақдим этилди. Муаллифлар қаторида нафақат ўлкамиздаги олимлар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар иқтидорли ёшлар шунингдек, Россия, Германия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам иштирок этди.

Конференцияда таъкидланганидек Ўзбекистон дунёдаги ўзини энергия манбалари билан таъминлайдиган камдан-кам мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда йилига 60 миллиард $м^3$дан ортиқ табиий газ ва 62 миллиард кВт-соатдан ортиқроқ электр энергия ишлаб чиқарилмоқда. Истиқболдаги режаларга асосан 2030 йилга бориб давлатимизда 120 миллиард кВт-соатдан ортиқ электр энергия ишлаб чиқилиши мўлжалланган.

Ҳаракатлар стратегияси ва бошқа қатор дастурлар истиқболли режалар иқтисодиётнинг белгиловчи йўналиши бўлган энергетикани янада ривожлантиришни талаб қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида", "2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги, 2019 йил мартдаги "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистонда атом энергетикаси ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ҳаётга татбиқ қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу режаларини амалга ошириш аҳолининг ва иқтисодий соҳаларни узоқ йиллар давомида арзон ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Шу билан бир қаторда экологик масалалар ҳам ечилади.

Бундай конференциянинг университетда ўтказилиши бежиз эмас. Юртимиздаги барча мутахассис олимлар қаторида университетнинг олимлари, тадқиқотчилари ҳам фаол ишламоқда. Геология факультетида нефть ва табиий газ захираларини излаб топиш, энергетика факультетида бирламчи энергия ресурсларини янги технологиялар асосида ёқиш, оқилона ишлатиш ва энергия самарадорлигини ошириш, бошқа факультетларда бу жараённи информацион таъминлаш ва ишлаётган агрегатларнинг ишончлилигини ошириш ва бошқа долзарб масалалар устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Университет қатор хорижий давлатларнинг 60 дан ортиқ ўқув юртлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**





Таэквондо

## ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ТЕНГСИЗ

***Қозоғистонда таэквондо (WT) бўйича катталар, ёшлар ва болалар ўртасида ўтказилган "Райимбек Батир" халқаро мусобақасида мамлакатимиз шарафини "Торнадо" спорт клуби аъзолари муносиб ҳимоя қилди.***

Дунёнинг ўнга яқин давлатидан келган 1 минг 500 нафар таэквондочи ўртасида ўтган турнирда ҳамюртларимиз 25 та медални қўлга киритди.

Катталар ўртасидаги баҳсларда Жасур Мавлонов ва Саидолим Қосимов ўз вазн тоифаларида кумуш медалга сазовор бўлиб, Нафосат Раҳимжонова бронза медали билан тақдирланди.

Кескин ва муросасиз ўтган ёшлар ўртасидаги баҳсларда 59 килограммгача вазнда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Нозима Раҳимжонова финалга қадар барча рақибларини енгиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Шунингдек, болалар ўртасида жамоавий спарринг йўналишида спортчиларимизга тенг келадигани топилмади. Улар барча рақиблари устидан зафар қучиб, якунда 21 та олтин медаль жамғарган ҳолда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

## ЎЗБЕКИСТОН, ЭРОН ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ СТОЛ ТЕННИСЧИЛАРИ БАҲСЛАШДИ

***Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" спорт саройида Ўзбекистон стол тенниси федерацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда Осиё стол тенниси федерациясининг 2019 йилдаги "ITTF ASIA DEVELOPMENT PROGRAM" низоми бўйича "Марказий Осиё Олимпия умидлари" ҳафталиги ўтказилди.***

Мазкур спорт ҳафталикда 10 ёшдан катта бўлган Ўзбекистон, Эрон ва Марказий Осиё давлатларининг терма жамоалари аъзолари ўқув-машғулот йиғинида назарий ва амалий, техник ҳамда жисмоний машғулотларда ўз тажрибаларини оширди. Ёш теннисчилар австриялик мураббий Дмитрий Левенко, эронлик Фаражи Реза ҳамда мамлакатимиз стол тенниси федерацияси раиси Саида Маҳмудова қўл остида шуғулланди.

Ҳафталик якунидан сўнг кадетлар ва "Олимпия умидлари" тоифасида халқаро очиқ турнир ўтказилди. Стол тенниси бўйича илк маротаба мамлакатимизда ўтказилган мазкур мусобақада совринли ўринлар учун кураш асосан Ўзбекистон ва Эрон терма жамоалари ўртасида ўтди.

Кескин ва муросасиз ўтган турнирнинг кадетлар ўртасидаги баҳсларда Никита Панов ҳамда Насибахон Тожиохунова терма жамоамизга бронза медалини келтирган бўлса, "Олимпия умидлари" ёш тоифасида Аселя Эркабоева кумуш, Шаҳбоз Ғуломиддинов эса бронза медалини қўлга киритди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлиги томонидан ўтган 2019 йил давомида тизимда амалга оширилган бир қаторислоҳотлар ва янгиликларга бағишланган йил якунлари бўйича йиғилиш ўтказилди.***

Унда самарали ҳамкорлик қилганлиги учун бир қатор ҳамкор вазирлик ва идора вакиллари мукофотланди.

Хусусан, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Б.Ташматов томонидан Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Ўзбекистон маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков шахсий таркибнинг жанговар ва ватанпарварлик руҳини кучайтириш, Ватан ҳимоячиларининг она юртга муҳаббат туйғуларини оширишга хизмат қилувчи маънавий-маърифий ишлари ҳамда тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ишларига қўшган ҳиссаси алоҳида эътироф этилди. Унга Миллий гвардия қўмондони томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нафосат ЗАФАРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Матбуот хизмати етакчи мутахассиси**

## МУҲИМ МАНБААЛАРНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

***Миллий тарихимиз ва маданиятимизнинг бизгача етиб келишида турли хил моддий ва номоддий ёдгорликларимиз, маданий меросимиз ва қолаверса тарихий ҳужжатларимиз муҳим аҳамият касб этиб келган. Ушбу тарихий хотирани сақлаш ҳамда уни келажак авлодга борича етказиб беришда архивлар алоҳида ўрин эгаллайди.***

Ўтган давр мобайнида архив иши ва иш юритиш соҳасида зарур инфратузилма яратилиб унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб борилди. Архив ҳужжатлари фуқаролар, жамият ва давлат учун аҳамияти беқиёс бўлгани боис сақланиши лозим бўлган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек, бошқа моддий жисмлардаги ёзувларни ўз ичига олади.

Ушбу архив ҳужжатларининг доимий сақланадиган Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган тарихий, илмий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимий бойитиб бориладиган мажмуини ташкил этадиган архив ҳужжатлари миллий архив фондини ташкил этади. Фонд таркибига киритилган ҳужжатлар халқимизнинг маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Миллий архив фонди давлатга тегишли қисмидан ва давлатга тегишли бўлмаган қисмдан иборатдир. Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисмини қуйидагилар ташкил этади: Ўзбекитон Республикаси таркибига кирувчи ҳудуддаги мавжуд ва ўзининг барча тарихи давомида мавжуд бўлган давлат юридик шахслари давлат ҳокимияти ва бошқарувининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, прокуратура, банклар, саноат ва транспорт, алоқа, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари фан, халқ таълими, маданият соҳасидаги давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлар ва бирлашмалар шулар жумласидандир.

Миллиий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига қонун ҳужжатлари, бошқарув, лойиҳа, конструкторлик, махсус ҳужжатлар, шунингдек, уларнинг бошқа моддий жисмлардаги ёзувлари, дастурлар, алгоритмлар ва машина йўналтирилган ҳужжатлар, кинофотофоно ҳужжатлари, видеофонограммалар, илмий-адабий, бадиий, мусиқий қўлёзмалар, расмлар, кундаликлар, хотираномалар, ёзишмалар ҳамда фуқаролар, жамият ва давлат учун аҳамиятли бўлганлиги учун сақланиши керак бўлган, кимнинг тасарруфида эканлигидан қатъий назар давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг доимий сақланадиган архив ҳужжатлари, давлат мулки бўлган бошқа тоифалари киради.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми ҳужжатлари давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, олди-сотди ёки бошқа хил битишувлар объекти бўлолмайди. Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми ҳужжатлари "Ўзархив" агентлиги муассасаларида, давлат музейларида, кутубхоналарда, идоравий архивларда, фондлар, коллекциялар, сақлаш бирликлари бўйича сақланади ва ҳисобга олинади. Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми ҳужжатлари фойдаланиш учун барча юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Ёши 16 га етмаган суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг архив ҳужжатларидан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига доимий сақланиши лозим бўлган нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти натижасида яратилган архив ҳужжатлари шунингдек, жисмоний шахсларнинг архив ҳужжатлари киради. Касаба уюшмалари, хайрия жамғармалари, сиёсий партиялар, диний бирлашмалар, нодавлат бирлашмаларидаги саноат корхоналари муассасалари ва ташкилотларининг доимий муддатда сақланадиган архив ҳужжатлари Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини ташкил этади.

Миллий архив фонди архив ҳужжатларидан зарур маълумотларни олиш ва фойдаланиш учун мурожаат этувчи юридик ва жисмоний шахсларга архив ходимлари томонидан хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Тадқиқотчи олимлар фойдаланишлари учун ҳам барча шароитлар таъминланиб, электрон нусхалари яратиб борилмоқда. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш учун архивда овозли ҳужжатларни эшитиш, уларнинг микронусхалари, аудиовизуал ва электрон ҳужжатлар ишлаш учун махсус қурилмалар билан жиҳозланган хоналар ҳамда кўриш учун мўлжалланган хона фаолият кўрсатади.

2019 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Руспубликаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори миллий архив фонди ҳужжатларидан фойдаланишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш ва фойдаланувчиларга кенг имкониятларни яратиб берди. Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архив негизида Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви негизида Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказй давлат архиви негизида Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви, Тошкент шаҳар давлат архиви негизида Тошкент шаҳар марказий давлат архиви мақомининг берилиши бежиз эмас.

Ушбу архивларда сақланаётган архив ҳужжатларимиз бизнинг бой ўтмишимизни ва бугунимизни ёритиб беришда ҳаққоний тарихни яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Ғани ЖЎРАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви етакчи архивчиси**

***Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида "Ватанга хизмат – олий фазилат" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.***

## ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

"Ватанпарварлик" ойлиги доирасида ўтказилган тадбирда Сергели тумани прокурорининг ўринбосари Асрор Турғунов, Сергели тумани "Нуроний" жамғармаси раиси Эркин Талбабаев, туман Халқ таълими "Маънавият ва маърифат" бўлими раҳбари Гулмира Эгамбердиева, Ўзбекистон Экологик партияси Сергели тумани партия ташкилоти қошидаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ташкил этилган "Жасорат" ватанпарвар тўгараги аъзолари, институт курсантлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир институт профессор-ўқитувчилари ва курсантлари томонидан ёнғинларни бартараф этишда ёнғин ўчирувчилар томонидан нафас олишга яроқсиз муҳитда фойдаланиладиган аппаратлардан фойдаланиш, махсус техникаларнинг тактик-техник имкониятлари, аҳоли яшаш уйлари ва масканларда содир бўлган ёнғинларни бартараф этишда ёнғин ўчирувчилар томонидан нафас олишга яроқсиз муҳитда фойдаланиладиган аппаратларнинг тактик-техник хусусиятлари бўйича кўрсатилган кўргазмали намойишлар билан бошланди.

Шундан сўнг "Жасорат" ватанпарвар тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган бадиий дастурлари асосида "Ўзбекистан", "Ўзбекистон бизники", "5 ташаббус", "Аскар", "Ўт ўчирувчилар" қўшиқлари, "Морячка" ва "Лейтенант" рақслари, "Она Ватан" ва "Ёнғин хавфсизлиги" шеърий композициялари, "Ёш десантлар", "Ҳарбийлар саф тайёргарлиги" моҳирона ижро этилди. Бу эса ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

– Ёнғин ўчириш техникаларининг тактик-техник имкониятлари, аҳоли яшаш уйлари ва масканларда содир бўлган ёнғинларни бартараф этишда ёнғин ўчирувчилар томонидан нафас олишга яроқсиз муҳитда фойдаланиладиган аппаратларнинг тактик-техник хусусиятлари бўйича кўрсатилган кўргазмали намойишлар катта таассурот қолдирди, – дейди "Жасорат" ватанпарвар тўгараги бадиий раҳбари Нодира Жамолиддинова. — Жисмонан бақувват, маънан етук, жасур ва сергак ҳарбий курсантларимиз нафақат Ватанимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилаётгани, балки халқимизнинг дуосини олишдек шарафли касб эгалари бўлишдек бахтга муяссар бўлишаётгани, фавқулодда ҳолатлар ва "тилсиз ёв"га қарши курашишда мардонавор хизмат қилаётганини кўриб, беихтиёр ҳавасимиз келди. Албатта бундай тадбирларни самарали ташкил этилиши замирида ёшларнинг ҳарбий соҳага қизиқиши ва интилишига сабаб бўлмоқда.

– Бу ердаги ёнғин ўчириш техникалари, ёнғин ўчириш анжомлари ҳамда мард, жасур акаларимизнинг ҳарбий қўшиқни бaралла айтиб, саф тортиб ўтишларини томоша қилдик, – дейди Сергели тумани 300-умумтаълим мактаби ўқувчиси Азизбек Юсупов. – Ёнғин ўчириш воситаларини ўз қўлимиз билан ушлаб кўрдик, керакли маълумотлар билан танишдик. Қизиқарли ўтган тадбир мазкур касбга бўлган қизиқишимни янада орттирди ва мен ҳам албатта ҳарбий бўлишни ният қилдим.

Тадбир сўнгида эса келажагимиз эгалари бўлган жажжи болажонларнинг ватанпарварлик руҳидаги шижоатлари, шеърий туҳфалари, жўшқин овозлари билан ижро этилган қўшиқлари ва ажойиб рақслари ҳамда чиқишлари ёш курсантлар ва иштирокчиларини самимий олқишларига сазовор бўлганлиги учун институти раҳбарияти ва Сергели тумани прокуратураси томонидан тўгарак раҳбарлари ва аъзоларига ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Зарина РУСТАМОВА**


Реклама ва эълонлар

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институти кафедралардаги қуйидаги лавозимларга*
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси бўйича:** *катта ўқитувчи – 3, ассистент – 1.*

**Аналитик кимё кафедраси бўйича:** *ассистент – 1.*

**Токсикологик кимё кафедраси бўйича:** *ассистент – 1.*

**Органик ва биологик кимё кафедраси бўйича:** *ассистент – 1.*

**Фармацевтик кимё кафедраси бўйича:** *профессор – 1, катта ўқитувчи – 1, ассистент – 3.*

**Фармакогнозия кафедраси бўйича:** *доцент – 2, катта ўқитувчи – 3, ассистент – 2.*

**Фармакология ва клиник фармация кафедраси бўйича:** *доцент – 1, ассистент – 2.*

**Дори турлари технологияси кафедраси бўйича:** *доцент – 2, катта ўқитувчи – 2, ассистент – 2.*

**Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси бўйича:** *кафедра мудири, доцент – 2, ассистент – 4.*

**Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси бўйича:** *доцент – 1, ассистент – 4.*

**Биотехнология кафедраси бўйича:** *доцент – 3, катта ўқитувчи – 2, ассистент – 2.*

**Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси бўйича:** *доцент – 2, ассистент – 3.*

**Тиллар кафедраси бўйича:** *катта ўқитувчи – 3, ўқитувчи – 4*

**Ижтимоий фанлар кафедраси бўйича:** *катта ўқитувчи – 1, ўқитувчи – 2.*

**Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва фармацевтик технология кафедраси бўйича:** *профессор – 1, доцент – 3.*

**Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси бўйича:** *доцент – 3, катта ўқитувчи – 1, ассистент – 3.*

**Тиббий ва биологик фанлар кафедраси бўйича:** *доцент – 4, катта ўқитувчи – 2, ассистент – 4.*

**Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси бўйича:** *ассистент – 2.*

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига мувофиқ "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сон "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади. **Манзил:** Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: (8371) 256-37-38, 256-38-50.

Тошкент Молия институти томонидан 2019 йилда Каршиев Мухаммад Абдували ўғли номига берилган В № 1025842 рақамли бакалавр дипломи ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечқурун қисқа муддатли ёмғир ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 0-2 даража илиқ, кундузи – 7-9 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5223
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 146
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1164 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5